

Одамларни манзиласига қараб муомала қилиш

05:00 / 03.03.2017 3638

Аллоҳ таоло: **«У сизларни ер юзида халифалар қилган ва Ўзи берган нарсаларда сизни синаш учун баъзингизнинг даражасини баъзингиздан устун қилган Зотдир. Албатта, Роббинг иқоби тез Зотдир. Ва, албатта, У мағфират қилувчи ва раҳмлидир»** деган (Анъом, 165).

Аллоҳ таоло ер юзида сизларни халифаси қилиб яратди. Авлоддан-авлодга ўтиб, ер юзини обод қилиб, унда Аллоҳнинг иродаси ва ҳукми, ибодати, иймон-Исломи собит бўлиши учун ҳаракат қиласизлар.

Аллоҳ таоло бу дунёда сизларни турли даражаларда қилиб қўйиши ҳам сизларни синаш учундир. Ким шу синовдан яхши ўта олмаса, билсин-ки: «Албатта, Роббинг иқоби тез Зотдир».

Имтиҳондан яхши ўтганлар эса, билсинлар:

«Ва, албатта, У мағфират қилувчи ва раҳмлидир».

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У кишининг олдидан бир тиланчи ўтган эди, унга бир бурда нон бердилар. Сўнгра бир кийимли ва кўринишли бир киши ўтган эди, уни ўтқаздилар ва у таом еди. У кишига бу ҳақида айтилганда:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Одамларнинг манзиласига қараб муомала қилинглари», деганлар», деди».

Абу Довуд ва Муслим ривоят қилишган.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Оқсоқол мусулмонни, ғулувга кетмаган ва жафо қилмаган Қуръон ҳомилини икром қилиш ҳамда одил султонни икром қилиш Аллоҳни улуғлашдандир», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.